

## Бир киши бир аёлни ўпиб олди

09:10 / 11.03.2018 4425

Ибн Масъудд розияллоху анхуан ривоят қилинади:

«Бир киши бир аёлни ўпиб олди. Кейин Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, буни айтди. Шунда Аллоҳ **«Кундузнинг икки тарафида ва кечанинг бир бўлагида намозни тўқис адо эт! Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказди»** (Худ сураси, 114-оят) оятини нозил қилди. Ҳалиги киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен учунми бу?» деган эди, **«Умматимнинг барчаси учун»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.